

Прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутаети.

Ислом КАРИМОВ

Mustaqillik huquq demakdir

НШҚШҚ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 5-yanvar, №1 (782)

Мустақил Ўзбекистон прокуратураси

Ўзбекистон миллий прокуратурасининг ташкил топиши бевосита давлатимиз мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Ватанимиз тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Бу жараён ҳақида гапирганда, энг аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 8 январдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида"ги Фармонини эсга оламиз. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, собиқ Иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилди. Айнан шу сана мустақил республика-миз миллий прокуратураси ташкил топган кун сифатида тарихга кирди.

20 ёшда

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTINING
FARMONI
08.01.1992 й.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунлар аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан олий назоратни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, жумҳурият суверенитетини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилсин.
2. Республика ҳудудида иш қўраётган Ўрта Осиё транспорт прокуратураси, унинг органлари негизда вилоят прокуратураси ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Транспорт прокуратураси ташкил этилиб, у Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига бўйсундирилсин.
3. Прокуратура Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Иқтисодий комитети билан биргаликда бир ҳафта мuddат ичида республика прокуратураси органларининг тузилишига, уларни молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашга оид тақлифларни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.
"Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бир ой мuddат ичида тайёрлансин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қўриб чиқиши учун тақдим этилсин.
4. Белгилансинки, Мудофаа ишлари вазирлигида, унинг жойлардаги бошқармалари ва бўлимларида ҳамда жумҳурият ҳудудида жойлашган ички қўшинларда қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси прокурори зиммасига юкланди.
5. Ушбу Фармон имзоланган кундан бошлаб кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. Каримов

барининг 2004 йил 11 мартдаги "Кишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон мўҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз. Ушбу Фармон билан прокуратура органларининг қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш, хўжалик юритувчи

субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти кучайтирилди.

Барча соҳалардаги ислохотларнинг қонунлар билан қамраб олинishi асносида прокуратура органлари зиммасига яна бир қатор мўҳим вазифалар юкланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори билан тузилган Ҳукумат ҳузурдаги Вояга етмаганлар иш-

Рашидjon КОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бoш прокурори,
1-даражали Давлат адлия
маслаҳатчиси

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз прокуратура органларининг мақоми ва ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади. Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишдек конституциявий вазифа Ўзбекистон Республикасининг Бoш прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланди. 1992 йил 9 декабрь кунини "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан прокуратуранинг ҳақиқий мустақиллиги таъминланди. Шу тариқа прокуратура ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, ҳаётимизни тубдан янгилаш жараёнларида қонун устуворлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўринга эга бўлди.

Прокуратура тизимини ислох қилишнинг навбатдаги босқичи прокуратура органлари фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий асослар тақомиллаштирилиши, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларига бир қатор ўзгаришлар киритилиши билан боғлиқ ҳолда кечди. Жинoий жазоларнинг либераллаштирилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини янги босқичга кўтарди. Президентимиз ташаббуси билан 2001 йил 29 августда қабул қилинган янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун ана шу мақсад сари қўйилган мўҳим қадам бўлди. Қонунга мувофиқ прокурорлик назорати тизимига ҳам жиҳдий ўзгаришлар киритилди. Фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат функциясининг прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилиши билан одамлар онгидаги прокуратура "қораловчи идора" деган тушунчага барҳам берилди. Прокуратура том маънода фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, қонуннинг талабларини ҳимоя қиладиган органга айланди. Яна бир эътиборга молик жиҳат шундаки, қонунга прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга қаратилган янги нормалар ҳам киритилди. Унга қўра, прокурорлар фаолиятига фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш қай даражада таъминланганига қараб баҳо бериладиган бўлди.

Тарихан қисқа давр ичида қонун берган ваколатлардан фойдаланиб, прокуратура органлари юртимизда қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жинoятчиликка қарши курашиш ишига катта ҳисса қўшдилар.

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг чуқурлашиб бориши билан прокуратура фаолиятини янада тақомиллаштириш чоралари қўрилди. Шу ўринда давлатимиз раҳ-

лари бўйича комиссияга Республика Бoш прокурори раис этиб тасдиқланиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги "Иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жинoятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан прокуратура ҳузурда Солиққа оид жинoятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилиши бунга мисол бўла олади. Қўп вақт ўтмай Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Бoш прокуратураси ҳузурдаги Солиққа оид жинoятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, департаментга қўшимча равишда валюта соҳасидаги қонунбузилишларни аниқлаш, уларни баргараф этиш, олдини олиш ва профилактика қилиш вазифалари ҳам юкланди.

Бугунги кунда ҳам мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўриб бориладими.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Бoш прокурорининг 2004 йил 24 июндаги "Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифаларни тўғрисида"ги буйруғида ҳам атрафлича ўз ифодасини топган. Бундан келиб чиққан ҳолда, прокуратура ходимлари қонунчилик тарғиботида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Ўн беш йилдирки, "Нуқс" газетаси ушбу йўналишда улар учун ўзига хос минбар вазифасини ўтамоқда.

Прокуратура органларининг барча ходимларини Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкил топганининг 20 йиллиги билан самимий табриқлайман. Мамлакатимизда қонунийликни таъминлашдек масъулиятли, шу билан бирга, шарафли фаолиятингизда адолат тамойиллари доимо устувор бўлишини тилайман.

Мустақиллик билан ҳамнафас

Ўзбекистон мустақилликка эришгач мамлакатимизда барча соҳаларда, шу жумладан, суд-ҳуқуқ йўналишида қатор ислохотлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат ва жамият манфаатларига қаратилган бўлиб, кутилган натижаларни бериб келаяпти.

Ўз навбатида прокуратура органлари ислохотлар кечиши жараёнининг жуда муҳим бўлини ҳисобланади. Чунки айнан прокурорлар жорий этилган ислохотларнинг ҳаётда татбиқ қилинишини назорат қиладилар.

Давлатимиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Қонунни ҳимоя қилиш, суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир. Бу бир жиҳатдан табиийдир. Негаки, прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилув-

чи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислохотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият куриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутади".

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари давлатимиз раҳбарининг сиёсатини очиқ ҳаётга татбиқ этиши билан давлат ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллади.

Шунингдек, мустақиллик йиллари прокуратура органларида эришилган ютуқларга ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқдир. 20 йил ичида прокуратура халқ назарида қораловчи органдан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органга айланди.

Бош прокурор бошчилигида тўғри ва самарали олиб борилаётган кадрлар сиёсати ўлароқ прокуратура ходимлари ўз касбининг юқори малакали мутахассисига айланишига эришилди. Энг аввало, ёш кадрларни тайёрлаш, уларнинг прокурор сифатида шаклланишига ёрдам бериш биринчи галдаги вазифага айланди.

Бугунги кунда прокуратуранинг эътиборида бўлмаган соҳа йўқ. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш бу кўламининг бир қисми, ҳолос.

Светлана ОРТИКОВА,
Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси

Ҳар бир ривожланган демократик давлатда фуқаро манфаати устун туради. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг биринчи навбатдаги вазифаси этиб белгиланган. Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси давлат томонидан кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Прокуратура органлари эса бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда ушбу кафолатларни таъминлайди. Бу, демакки, прокуратура органлари ҳам мамлакатимизда демократия тамойиллари янада мустаҳкамлашида ўз хиссасини қўшаётганлигидан далолатдир. Фурсатдан фойдаланиб, мен ўз номимдан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини прокуратура органларининг 20 йиллиги ҳамда қириб келган янги 2012 йил билан самими табриклайман.

Хонадонингизда тўй бўлса, қандоқ яхши! Чор-атроф шодиёна тус олади. Элу элдошинг, қавму қариндошинг, қўни-қўшининг сенинг бир неча кунлик қувончингга шерик бўлишади. Бу шодликлар, бу кулгулар ота-онанинг самимий розилигисиз, оқ фотиҳасисиз татимайди, албатта.



2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Маънавият оиладан бошланади

Ўғил ўстирган-ку, фарзанди ёнига яна бир фарзандли бўлади. Қиз ўстирган-чи?! Қорнида тўққиз ой кўтариб, кейин ҳам тонглари бедор ўтказган, бешикка осилиб ухлаб, осилиб уйғонган ана учун қизнинг улғайиб, қўлидан иш келадиган бўлганида бошқа бир хонадон ихтиёрига жўнатилиши осонми?! Яна мутлақо бегона оила, бегона тартиб... Бундай пайтда ота-оналар кувё бўлишининг ота-онасини кўпроқ суриштиришида бир ҳикмат бор.

Мирзакарим кутидор яккаю-ягона қизини Тошкентдай узок бир шаҳарга бекорга узатгани йўқ. У Отабекнинг онаси ҳусусида айтарли маълумотга эга бўлмаса-да, отасининг художўй, билимли эканига кафил бўлди. Зеро, Юсуфбек ҳожи хонадонидан "хеч ким норази бўлиб чиқиб кетмаслиги"га ишонди. Эр-хотин келишганидан сўнггина совчалар — Зиё шохчи ҳамда Хасанали отага заррин тўнлар ёпилди. Нон синдирилди. Бу розилик аломати эди. Азалдан ўзбекининг тўйи ана шундай бошланган, унинг пойдевори ишонч ва ҳамжиҳатлик устига қурилган. Шу боис бўлса керак, бу оилалардан етишиб чиққан фарзандлар ўзининг эзгу амаллари, билими-ю, қудрати билан дунёни забт этган, доврў қозонган.

Яна қадимдан эшитганим бор. Айтишларича, келажакда тақдир би бўлгучи йигит ва қизни фаршталар она қорнидалигидаёқ ниҳоқлаб қўйишар экан. Бу эса ўзига хос бир тарзда "арши ниҳоқ" деб аталаркан. Бирок вақти келиб бу қабилда ниҳоқланган эр-

хотин ўртасида низо чиқиб, охири-охириб, эркак ўз аёлига нисбатан "талок" сўзини ишлатадиган даражага борса, еру кўк — Арш ларзага келар экан...

Ҳа, ҳаёт инсон бошига тушгучи ажиб савдолари-ю, турфа ғавғолари билан ранг-баранг. Зеро, бу турфа хил ранг-баранглик кимгадир ҳаётнинг оққа бурканган томонларини кўрсатса, кимларгадир унинг қора доғлари борлигини-да намоён этади. Чунончи, оила ҳам ҳаётнинг бир қисми, жамиятнинг бир бўғини. Бунда токи эр-хотин ўртасида ўзаро ишонч бўлмас экан, унинг пойдевори уваланиб кетгучи қоришқ мисоли емирилиб бораверади. Ана шуниси жуда қимматга тушади. Фарзандларга ҳам, жамиятга ҳам...

Тадбирларнинг биридан қайтаётганимизда, вилоят адлия бошқармаси тарғибот гуруҳи раҳбари Доноҳон опа Раҳимбоева ғалати савол бериб қолдилар:

— Бахтингизни ҳеч излаганмисиз? Тўғриси, нима деб жавоб беришини билмай қолдим. Чунки саволни қай маънода қабул қилишни билмаётгандим. Асли опа бу билан нима демокчи ўзи? Ё давра сўхбати чоғида у кишига маъқул келмайдиган бирор гап айтиб юбордиммикан?

Жим қолганими кўриб, саволга ойдинлик киритишга ошиқдилар:

— Саволим ғалати туюлди, тўғрими? Аслида ҳали савол бераётган аёлнинг фикрларини эшита туриб шу кўнглимга ўрнашиб қолганди. Улардан сўрашга ийманиб, сизга бера қолган-

дим... Ҳа, асли ҳамма бахтли бўлишга ҳақли, бироқ чинакам бахт уни излаганники, унга интилганники! Мабодо кимдир бахтсиз экан, бунга унинг ўзи айбдор. Бояги келинчакни айтаман, зал тўла аёллар ичида қайнонадан нолияпти. Қарс икки қўлдан, дейишади. Агар ўзи андишали келин бўлганида, дардини шунча одам ичида эмас, торроқ доирада, айттайлик, маҳалла қайвонисигами, тумандаги хотин-қизлар кўмитаси раисасининг ўзигами айтарди. Ахир, ҳал бўлмайдиган масала эмас-ку...

Опа нималарнидир ўйлаб кетди чоғи, жим қолди. Мен ҳам ҳаёлан унинг фикрларига қўшилдим, чунки ҳақ эди. Бир-икки "Маошининг режасиз ишлатма" дея панд-насихат қилган қайнонани кўпчилик ичида шармисор қилиб, "Ишларимга бурнини суққан суққан, пулимга ҳам хўжайинлик қияпти. Бунақ оилада яшаёлмайман, ажрашмоқчиман ё уйимни бошқа қилиб берингла!" деб ўтирса... Ахир маошининг бир сўмини ҳам қолдирмай олиб қўядиган қайноналарнинг келини "тишининг оқини кўрсатмай", сабр билан яшаб келаётганига ҳам кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Турмуш йўллари пасту баландликлардан иборат. Баъзан бировларнинг турмушига ҳавас қилсанг, яна бировникидан ўкинсан, киши. Ишдаги озми-кўпми тажрибаларга асосланиб, қўйди-чикдиларисиз ҳаётни меъёрида ва ўз ўзанида оқайтган дарёга қийслагим келади.

Турмуши бузилганларнинг кўпини

қўрганмиз. Ажралишдан сўнг дилида илиқлик ва бахтиёрлик туйғуларини туйганларини шу пайтгача ҳеч ким учратмаган. Аксинча, ҳар гал можаролашаётган томонлар ўртасидаги айро йўлда қолиб, тирик етимликка маҳқум этилган, бўзлаб йиғлаётган беайб, норасида гўдақлару, талаш бўлаётган мол-мулк, бузилиб вайронага айланган иморатларга дуч келамиз. Демакки, ажралишлар бор жойда бузғунчилик, мураса-ю мадора мавжуд масканда эса қурилиш-яратиш, бахт ва бахтиёрлик ҳолатларини кўрамини. Юртбошимиз аллақачон ўз саҳифасини очиб улгурган Янги йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эътироф этишининг туб муҳияти ҳам шу эмасми? Ахир оилалар мустаҳкам, замонамиз тинч бўлса, юртимизда ҳам бунёдкорлик ва янгилашиллар буй чўзаверади!

Тўғри, иноқ турмушга элтувчи йўллар ҳаммиса кенг ва равон эмас. Аксарият ҳолларда унга пасту баландликлар, турли тўсиқлару тубсиз жарликлар орқали эришилади. Бу эса, эр ва хотин учун ҳам, улар ортидаги томонлар учун ҳам катта ҳаёт синови, демек.

Ҳа, ҳаёт барибир бир текис кечмайди: гоҳо тинч ва сокин ҳаракатланса, гоҳида қуошқонидан чиқиб, қирғоқларини емиради, чор-атрофга ҳавф солади. Биз айнан кейинги манзарадан кўпроқ ҳавотир оламиз.

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги изчи ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг барча учун очик-ойдинлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу билан бирга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли беқийсдир.

Эътибор ва эътироф

Шухрат ДЕХҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, оммавий ахборот воситалари нафақат жамоатчилик фикрини ўзда акс эттириши, балки ана шу жараёни шакллантириш ва такомиллаштириш вазифасини ҳам ўтайди. Шу боис бугун мамлакатимизни демократик тамойиллар асосида модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқаролар онгида демократик ва миллий қадриятларни шакллантиришда ушбу соҳага муҳим омил сифатида қаралмоқда.

Албатта, юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларини тараққий этган давлатларниқидек юқори мезонларга олиб чиқиш учун, энг аввало, уни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмлар кучли ва ҳар тарафлама мукамал бўлиши лозим. Шу маънода, мустақилликка эришганимиздан сўнг, айниқса, кейинги йилларда соҳани янада демократлаштириш ва либераллаштириш, унга бозор муносабатларини татбиқ этиш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг ошқоралигини таъминлаш, медиа-мақонга илгор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган бир қатор қонунлар ва кўплаб қонунности ҳужжатлари қабул қилинди. Натижда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, фуқароларнинг ахборот олиш борасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини амалда рўёбга чиқариш, нодавлат матбуот нашрлари, радио ва телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш йўналишидаги сайёҳаракатлар ижобий самарасини кўрсата бошлади.

Муҳтарам Президентимиз 2010 йилнинг 12 ноябрь кuni бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этган Концепцияда ҳам мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири

сифатида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимизнинг яқинда эълон қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори, таъбир жоиз бўлса, Концепция доирасида белгилаб берилган ана шундай устувор вазифаларнинг амалдаги рўёби бўлди.

Мазкур қарор билан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилди. Хусусан, 2012 йилдан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод этилмоқда. Шунингдек, таҳририятлар, нашриёт ва босмаҳоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш бўйича ҳам беш йиллик имтиёз берилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлари, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия

лари, телерадиоэшиттириш компаниялари учун ягона солиқ тўлови ставкаларининг 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани эса, оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган мақбул шарт-шароитларни яратиши табиий.

Бундан ташқари, мазкур қарор билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ҳузуридаги "Ижод" жамғармасига нашриёт ва матбаа ташкилотлари чоп этилган маҳсулотларни сотишдан, муҳаррирлик хизматлари, полиграфия ва нашриёт хизматларини кўрсатишдан тўлайдиган мажбурий ажратмалар миқдорининг икки фоиздан бир фоизга, газета, журналлар ва китоб маҳсулотларини сотишга ихтисослашган яқка тартибдаги тadbиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкасининг ўрта ҳисобда 2 баробарга пайсаятирилгани ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш, соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун бир қатор қўлай имкониятлар эшигини очди. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриёт ва босмаҳоналарни кичик корхоналарга тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сони эндиликда 50 нафардан 100 нафаргача оширилмоқда.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бугун мамлакатимизда ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференцияларни яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар босқичма-босқич, тадрижий равишда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори ана шу фикримизнинг яққол далилидир.

Албатта, бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ва изчил ислохотлар бундан буён ҳам давом этаверадди. Хусусан, келгусида Концепцияда белгиланган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари

тўғрисида"ги ҳамда "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий манфаатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни аниқ ва равшан белгилаб беради. Бу эса, оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш, мажбурий соҳа субъектлари учун қўшимча иқтисодий имтиёзлар (преференциялар) бериш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, ижодий жамоаларнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий-муҳим характерга эга бўлган таҳририятларни қўллаб-қувватлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асосидир. Хар икки қонуннинг амалга киритилиши келгусида жамоатчиликни тўла, ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш, демократик принципларга асосланган ҳолда оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситалари ҳам ўз ўрнига эга бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиши.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси томонидан Ҳукумат қўшидаги ишчи гуруҳ билан ҳамкорликда "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги ҳамда "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳаларини янада такомиллаштириш юзасидан фаол иш олиб боришда. Мазкур қонунлар лойиҳаларини маромига етказиш жараёнида уларга Президентимизнинг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қароридан белгиланган вазифалар юзасидан янги нормалар киритиш борасида ҳам чора-тадбирлар белгиланиб, амалий сайёҳаракатлар бошлаб юборилди.

Албатта, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш борасида мамлакатимизда кенг миқёсдаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шундай юксак эътибор ва эътирофга жавобан, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам ўз зиммаларидаги масъулиятни янада теран ва чуқур англаган ҳолда, ўз фаолиятларини бугунги ва эртанги кун талабларига ҳамдоғанд равишда йўлга қўйишлари, замон билан ҳамнафас иш олиб боришга интилишлари мақсадга мувофиқдир.



материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, усуналар учун эндиликда беш йил мобайнида боххона тўловларини тўламаслик имтиёзи эса, келгусида соҳани янада тараққий эттириш, унга замонавий ахборот-коммуникация, полиграфия технологияларини кенг жорий этишда устувор аҳамият касб этади.

Янги йилдан бошлаб оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматларининг қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги, микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилот-



Келажак эгалари

тақдирига барчамиз масъулмиз

Ёш авлодни маънан етук ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш — барчамизнинг энг улғур мақсадимиз. Бу зиммамизга улкан масъулият юклайди. Таълимга эътибор — келажак эътибор эканлигини англаганлар ўз вазифасини виждонан бажариб келаётир. Бу соҳада прокуратура ходимлари ҳам четда тургани йўқ.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳар аҳолиси 401,9 минг кишидан иборат бўлиб, 135,9 минг нафарини воёга етмаганлар ташкил этади.

2010-2011 ўқув йилида шаҳардаги умумтаълим мактабларини тамомлаган 7022 нафар ўқувчи таълимнинг кейинги босқичига жалб қилинди. 15 496 нафар ўқувчилар эса ўрта махсус касб-хунар коллежларини тамомлади. Битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида 11 769 нафари (95,7 фоизи) билан "Коллеж-иш берувчи-битирувчи" ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланди.

Воёга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб воға етишига хизмат қилиши борасида Самарқанд шаҳар прокуратураси ташаббуси билан "Ўзбек жанг санъати" федерациясининг вилоят бўлими ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги "Олимпия захиралари тайёрлаш маркази" спорт мажмуасида "Воёга етмаган ёшлар ўртасида "Биз ёшлар терроризм, наркомания ва жиноatchилика қаршимиз" шиори остида 7-17 ёшли спортчилар ўртасида спортнинг "Ўзбек жанг санъати" йўналиши бўйичи "Самарқанд шаҳар

прокурори кубоги" очик чемпионати ўтказилди. Мусобақада жами 235 нафар спортчилар иштирок этдилар. Якуний натижага кўра, Самарқанд шаҳри жамоаси 1-ўринни эгаллади. Қолган ўринлар Пастдарғом тумани ҳамда Қашқадарё вилояти жамоаларига насиб этди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги Сибё педагогика касб-хунар коллежида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш мақсадида "Мутахассислик — сенинг келажакинг" кўргазмаси ўтказилди. Битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарига академик лицей ва касб-хунар коллежларининг таълим-тарбия жараёни, техник жиҳозланганлигини акс эттирувчи стендлар, видео лавҳалар, турли соҳалар учун мутахассислар тайёрлайдиган касблар тақдиротлари намойиш этилди. 70142 нафар тадбир иштирокчиларига касблар бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Ўтган йилнинг июнь ойида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокчида "Тарихий хотирасиз келажак йўқ!", "Тарихим — фахрим" мавзуларида тадбирлар ўтказилди. Болажонлар мазоининг сирли мўъжизалари, "Гўри Амир" мақбараси, "Регистон" мажмуаси, "Шохи Зинда" зиёратгоҳи, "Мирзо Улугбек" расадхонаси, "Афросиёб" музейларига саёҳат қилишиб, катта таассуротларга эга бўлишди.

Шу билан бирга, шаҳардаги ўрта махсус касб-хунар ўқув юрларининг битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш, ҳудудда ишсизлик даражасини пасайти-

Ақбар САИДМУРОДОВ,
Самарқанд шаҳар
прокурорининг катта ёрдамчиси

риш ҳамда ишсиз аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ўтказилди. Ярмаркада 88 та корхона ва ташкилотлар 2148 та бўш, квотари ҳамда касаначилик иш ўринлари билан қатнашди. Унда 2870 нафар коллеж битирувчилари иштирок этишди.

9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш, уларни тўлиқ ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига қамраб олиш мақсадида учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида воёга етмаганларнинг қоровсиз ёки назоратсиз қолишлари, улар томонидан жиноят ёки ҳуқуқбузарлиқ содир этилишининг олдини олиш ҳамда ҳуқуқий ҳимосига қаратилган 31 та текширишлар ўтказилган. 350 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 44 та тақдимнома киритилган. 200 нафар масъул шахслар интизомий, 181 нафари маъмурий ва 25 нафари моддий жавобгарликка тортилган. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят ишлари қўзғатилган. Уз фарзандларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи 35 нафар ота-оналарга нисбатан муомала лаёқатини чеклаш ҳамда элемент тўловларини ундириш ҳақида судларга даъво аризалар киритилди.

Қонунбузар «қандолатпазлар»

"Истеъмолчи ҳамиша ҳақ", деган ёзилмаган қонда бор. Сабаби истеъмолчи, яъни маҳсулот ёки хизмат учун пул тўлаган харидор сифати ва ишончли нарса сотиб олишга тўла ҳақли.

Муҳаммад АЗИМОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси катта суриштирувчиси

Қандолат маҳсулотлари ҳамиша харидоригар бўлган. Сабаби оддий: улар дастурхон кўрки, болалар ҳам, катталар ҳам бирдай хуш кўрадиган маҳсулот саналади. Бироқ ҳар доим ҳам уларнинг сифати истеъмолчиларнинг соғлиғи хавфсизлигига жавоб берадими?

СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси) ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбир жараёнида фуқаролар Акмал Аҳролов ва Жамшид Рустамовлар Шайхонтоҳур туман Филтела кўчаси 6-уйда яширин цех ташкил этиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугулланганлиги аниқланган. А.Аҳролов ва Ж.Рустамовлар электр тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб, яширин цехда хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ўтқа-

зиш орқали ноқонуний даромад олиб келишган.

Текширишда шехдан бир ярим миллион сўмликдан зиёд печенье, новвот, ярим тайёр маҳсулотлар ва қандолат ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган анжомлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Шайхонтоҳур туман ДСЭНМнинг хулосасига кўра, олиб қўйилган "мармелад" ва "новвот" маҳсулотлари истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги, инсон саломатлигига хавф туғдириши, бундан ташқари, турли юқумли касалликлар келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланган.

Мумай даромад дарилда инсон саломатлигига қўл силтаган "қандолатпазлар" — А.Аҳролов ва Ж.Рустамовлар Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг ҳукми билан тегишли жазога тортилдилар.

Тадбиркорларнинг эркинликларини ҳимоя қилувчи ва уларнинг фаолиятларига кенг имкониятлар яратиб берувчи асосий ҳужжат Конституциядир. Унинг 53-моддаси 1-қисмига мувофиқ, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Ҳуқуқий ҳимоя кафолати

Одил АМИРКУЛОВ,

Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Норбўта ҲОЗИЕВ,

"Ниқуд"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва кейинчалик қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мазкур конституциявий норманинг ҳаётта таъбиқ этилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бироқ, суд амалиёти таҳлилларидан кўринишича, ушбу қонун ҳужжатларининг талаблари асосан тўғри таъбиқ этилиши таъминланаётган бўлса-да, айрим ҳолларда у нотўғри талқин қилиниши оқибатида тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари бузилмоқда.

Жумлалан, вилоят ҳужжалик судининг 2011 йил 18 августдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Китоб туман Давлат солиқ инспекцияси, жавобгар Китоб туман "Тормерган" савдо фирмасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан кириш қилинмаган маҳсулотлар миқдори баробарида 65 минг сўм ва 119-моддасининг 3-қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 100 баравари, яъни 4 млн. 973 минг 500 сўм миқдориди молиявий жарима қўлланилган.

Мазкур суд ҳужжати қабул қилинишида Китоб туман "Қорамерган" савдо фирмасида ўтказилган текшириш ҳақида кўра, кириш қилинмаган 65 минг сўмлик маҳсулот ҳамда назорат касса машинасининг "Ўзстандарт" агентлиги кўригидан ўлмаганлиги ва сертификат бўлмаганлиги асос қилиб олинган.

Техник талабларга жавоб бермайдиган НКМлардан ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бўзилган НКМлардан фойдаланганлик, шунингдек, пластик қарточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик учун Солиқ кодексининг 119-моддаси 3-қисмида назарда тутилган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Аммо назорат касса машинасига сертификат олинмаганлиги учун Солиқ кодексининг 119-моддаси 3-қисмида жавобгарлик назарда тутилмаган. Демак, назорат касса машинасининг "Ўзстандарт" агентлиги кўригидан ўлмаганлиги ва сертификати бўлмаганлиги унинг техник талабга жавоб бермаслигини билдирмайдиган.


Бироқ, биринчи босқич суди, юқориди айтилганидек, қонун ҳужжатлари асосида равишда талқин этилмаганлиги тўғрисида тадбиркорлик субъектига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги 1326-сонли Қарори талаблари юзасидан "Ўзстандарт" агентлиги белгиланган тартибда мажбурий сертификатдан ўтказилмаганлиги ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 119-моддасининг 3-қисмига асосан молиявий санкция қўллаб, хатолликка йўл қўйган.

Вилоят прокурорининг апелляция протестига асосан вилоят ҳужжалик судининг 2011 йил 28 сентябрдаги қарори билан қайд этилган савдо фирмасига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 119-моддасининг 3-қисмига асосан қўлланилган 4 млн. 973 минг 500 сўм молиявий санкция қисми бекор қилинди.

Меъёрий ҳужжатларни талқин этиш ва амалда қўллаш борасида хатолликларга йўл қўйиш маълум бир корхона ёки тадбиркорлик субъектининг халқимиз ибораси билан айтганда, "белини синдириши" ҳеч гап эмас. Ваҳоланки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Президентимиз таъкидлаганларидек, ўзининг иқтисодийтеъимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ўрнини босолмайдиган аҳамияти билан жамиятимиз ривожини алоҳида ўрин тутди.

Кейинги даврларда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни қатъий чеклаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши ва бу борадаги қонунлар ижроси устидан назоратнинг яхшиланиши натижасида кичик корхоналар сони кўпайди, уларнинг фаолияти кенгайди ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари ошди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да солиқчилик соҳасида ҳам бир қатор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши кичик корхона эгаларига катта энгилликлар олиб келди. Бир сўз билан айтганда, қонун талабларига тўғри ёндашиш, уларни тўғри талқин этиш тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатини беради.



Маълумотнома нима учун керак?

Мен яқинда фарзанди бўлдим. Боламга икки ёшгача нафақа олиш учун муурожаат қилганимда даромад тўғрисида маълумотнома сўрашди. Аввалги болаларимда бундай маълумотнома талаб қилинмаган эди. Шу тўғрисида?

Нозима Уктамжонов,
Янгийул тумани

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йилнинг 14 мартда руйхатдан ўтказилган "Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби

тўғрисида"ги Низомнинг 9-бандида айтилишича, бундай нафақа олиш мақсадида қўрғон, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини ёки махсус ваколатли комиссия томонидан, она ёки амалда болани парвариш қилаётган бошқа

шахс қўрғон, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига ариза берганда, ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охириги ўн икки ойдаги даромадлари тўғрисида маълумотнома ҳам илова қилиниши керак.

Қайси бири тўғри?

Музработ туманида Халқ таълими бўлими ходимлари 30-40 йилдан буюн 1,5 ставкага ишлаб келишадиган эди. Бугунги кунга келиб, ходимларнинг фақат 2009-2010 йиллар давомида ана шундай тарзда ишлаганиклари ноқонуний деб топилмоқда. Бунга аниқлик киритиш мақсадида Халқ таълими вазирлигига муурожаат қилган эдик. Улар 1,5 ставкага ишлаш мумкинлиги ҳақида жавоб беришди. Лекин вазирлиқнинг хати инобатга олинмасдан турибми. Бундай тарзда ишлаш қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлиги тўғрисида жавоб беришларингизни сўрайман.

Ч.Абдурахмонова,
Музработ тумани

Меҳнат кодексининг 160-моддасига мувофиқ ўриндошлик — ходим томонидан, ўзининг асосий ишидан ташқари, асосий ишидан бўш вақтида, меҳнат шартномаси шартларида бошқа ҳақ тўланадиган иш бажарилиши тушунилади. Агар бу қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бўлса, ходим ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисида меҳнат шартномаларини тузиши мумкин, дейилади Меҳнат кодексининг 72-моддасининг тўртинчи қисмида.

Агар ўша ташкилот ёки юқори турувчи корхонанинг локал ҳужжатларида чеклашлар назарда тутилмаган бўлса, ўриндошлик бўйича ишлаш мумкин.

Агар сиз тилга олаётган касблар бўйича амалдаги қонун ва локал ҳужжатларда ана шундай чеклашлар бўлмай, иш бевуқининг бир ёқлама асослангирилмаган талаби бўлса, бу ҳолат қонунга хилоф ҳисобланади.

Қийматнинг аҳамияти

Отам 1986 йили хизмат юзасидан Тошкент шахрига ишга юборилган. У ерда ишлаб юрган пайтда икки хонали квартира сотиб олган ва шу пайтгача бу уй отамнинг номида бўлган. Бундан ташқари, отамнинг номида автомашина ва турли жойларда бошқа мулклари ҳам бўлган. Отам вафот этганида ҳеч қандай васият қолдирмаган. Шундан келиб чиқиб, мерос қарлар очирилиши ҳақида маслаҳат берсангиз.


Қамолддин Наймиев,
Анджон шахри

Бунинг учун Фуқаролик кодексининг 1117-моддаси талаби билан танишиб чиқиш кифоя. Унда айтилишича, мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очирилиши жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас ёки кўчар мол-мулкнинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очирилган жой деб ҳисобланади.

ҲУҚУҚИЙ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга муурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди.



Муурожаатга бефарқ эмасмиз...

Ҳаёт борки, турли ташвиш-у муаммолар унда мужассам. Булар эса инсон учун бир синов вазифасини ўтайди. Ҳудди мана шу синовлар гирдобинда баъзан киши қўлига қалам олиб, ўз муаммоларининг ижобий ечим топишига умид қилади. Умид билан битилаётган маалаталаб мактублар эса "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади ва кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб сиёсий, ҳуқуқий муаммоларига бағишланган сифатли, юқори савияли илмий-оммабоп, таҳлилий материалларни тайёрлаш ва чоп этиш тахририят олдига қўйилган асосий мақсад саналади. Газета фаолияти давомида газетхонларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишда доимий кўмакчи бўлиш билан бирга, уларнинг аризи битилган муурожаатларининг кўриб чиқишида ҳам бевосита мадад бўлиб келди, десак муболага бўлмайди.

"Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, тахририят ўз почтасига келиб тушган ариза ва шикоятларни тааллуқлилигига кўра, прокуратура органларига жўнатиб, уларнинг қонуний ечим топишида бевосита ўз ҳиссасини қўшиб келди.

Масалан, 2011 йилда тахририятга 400 га яқин ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, ана шу муурожаатларнинг 200 таси тахририят назоратига олиниб, 155 тасига прокуратура органлари томонидан ўз вақтида жавоб олинишига эришилди. Бу табиийки, қизғин жараён. Мана шу жараёнда эса прокуратура органлари, айниқса, Бош прокуратура тахририятга тўғридан-тўғри мададкор бўлди. Прокуратура ходимларининг савий-ҳаракатлари билан аризаларга муурожаатлари бўйича тушунтиришлар бериб берилди. Олиб борилган савий-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, айрим фуқаролар муаммоларининг қонуний ечим топангидан ўз миннатдорчиликларини билдириб тахририятга хатлар йўллашди. Бундай хатлардан 8 таси саҳифаларда чоп этилди. Қўйида тахририятга келган яна бир миннатдорчилик мактуби билан танишишингиз мумкин:

"Ассалому алайкум, хурматли редакция ходимлари! — деб ёзди, Жиззах вилоятидан фуқаро Б. Яъева. — "Мен "Ширин" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Баҳмач-чойи қишлоғида яшайман. Сизларга оилам учун моддий ёрдам ажратилишида ёрдам бериши сўраб муурожаат қилган эдим. Муурожаатим инобатга олиниб, ноябрь ойидан бошлаб моддий ёрдам пули ола бошладим. Ёрдамнингиздан миннатдор ҳолда раҳмат айтаман".

Моддий ёрдам ёхуд нафақа (пенсия) пулларини ёки иш ҳақини ололмастик, қолаверса, иш ҳақини ундириб беришни сўраб ёзилган ариза ва шикоятлар муурожаатларнинг доимий тури бўлиб қолмоқда. Масалан, ўтган 2011 йилда мана шу мавзуда тахририятга 60 га яқин муурожаат ёзма равишда келган бўлса, "Ҳуқуқий маслаҳатхона"га келган 50 дан ортик шундай муаммо билан боғлиқ саволларга бевосита телефон орқали жавоб берилди.

Баъзан мана шу йўналишда келаётган ариза ва шикоятларнинг аксарияти ўз вақтида тегишли жойга муурожаат қилинмаслиги, қолаверса, ҳолат тўғри аниқлаб этилмаслигидан ёзилмагани аён бўлаяпти. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Сурхондарё вилояти Ангор туманидан фуқаро Ж.Эгамбердиевнинг кизи Л.Эгамбердиевага нафақа пули берилмаётганлигидан шикоят қилиб ёзган аризаси Ангор туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилган. Аниқланишича, Ангор тумани "Янги турмуш" маҳалла фуқаролар йиғини нафақа тайинлаш комиссиясининг 2010 йил 28 июндаги қарори билан фуқаро Л.Эгамбердиевнинг бир нафар фарзандига икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарори билан тасдиқланган низом талабларига кўра 1 йил муддатга, яъни 2011 йил 1 июль кунига қадар нафақа тайинланган.

"Ўрганиш давомида, — дейди Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Р.Эшмирзоев, — фуқаро Л.Эгамбердиева юқориди белгиланган нафақа пулларини 2011 йил 1 июль кунига қадар тўлиқ олиб келганлиги аниқланган. Бироқ, Л.Эгамбердиева фарзандига икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлашни сўраб, фуқаролар йиғинига қайта муурожаат қилмаган".

Тахририят томонидан жўнатилган фуқаролар муурожаатлари тегишлилиги жиҳатидан прокуратура органларига, шунингдек, ташкилот ва идораларга жўнатишдан бўлса, 30га яқин ҳуқуқий саволларга бевосита газетамизнинг "Ҳуқуқий маслаҳатхона" саҳифаси орқали жавоб берилди.

Муурожаатлар қандай бўлмасин, унинг ортида инсонни ташвишга солаётган катта-кичик муаммолар мужассам. Баъзан, аризмагандек кўринган кичкина ташвиш ҳам инсон тақдирда катта ўзгаришлар қилишга қодир. Шундай экан, қилинмаётган муурожаатларга нисбатан бефарқ бўлмастик, қилинмаётган эзгу ишларга, қолаверса, қонун устуворлигининг таъминланишига бир ҳисса бўлиб хизмат қилади.



Юрт келажаги, мамлакат тараққиёти ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ. Шу сабабли мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг илму ҳунар эгаллашлари учун юзлаб лицейлар, касб-хунар коллежлари қурилиб, келажакда билимдон, баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун олий ўқув даргоҳларидаги ўқитиш механизми кучайтирилди. Уларнинг жисмонан бақувват ва соғлом бўлишлари учун эса жойларда турли спорт комплекслари ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз таъкидлаганидек, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари" учун барча шароитлар мўъайё этилган. Бироқ...

Жиноят кўчаси

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси
Фазилат ЁДГОРОВА,
«Ниҳод»

Халқимизнинг "Қуш уясида қўрганини қилади" деб топиб айтилган гапи бор. Боланинг характери, аввало, оилада шаклланади. Фарзанд тарбиясига масъуллик ота-онанинг биринчи галдаги вазифасидир. Зеро, соғлом оила муҳитида вояга етган боланинг жиноят кўчасига кириши амри-маҳол. Чунки, болалигидан ўқишга берилган, оиласида меҳнат кўникмаси билан шаклланиб улғайганлар бирор-бир хунарнинг бошини тутиб, ҳаётда ўз йўлларини топиб олишади.

Ёшлар ўртасидаги жиноятларга ҳам ақсарият ҳолларда носоғлом оилавий муҳит, яъни ота-оналар томонидан уларнинг келажагига ўз вақтида етарлиқ эътибор берилмаганлиги сабаб бўлмоқда. Айнан фарзанд тарбиясига эътиборсизлик куйидаги фожеага ҳам сабаб бўлди...

Мақтабни амал-тақал қилиб тамомлаганига тўрт йил бўлибди ҳамки, Ботир Эргашев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамон бир ишнинг бошини тутмаган. У тенгилар аллақачон касб-хунари бўлиб, ўз ўрниларини топишган. Тенгдошлари ҳаваси келдими ёки бошқа бир мақсади бормиди, иш қилиб, кунларнинг бирида у Тошкентга бориб ишлашга аҳд қилди. Пойтахтга келиб, дастлаб сартарошхоналардан бирида сартарош бўлиб ишловчи таниши Давронни йўқлади. Салом-алиқдан сўнг ундан ижарага уй ва иш топиб беришини сўради. Даврон ҳозирча иш ҳам, ижарага уй ҳам топиб беролмаслигини, сабр қилишини айтгач, кўчада бироз айланиб юрди.

Атрофдаги дўконларнинг биридан ароқ олиб ичгач, қандай қилиб бўлса-да, осон пул топиш йўлининг излай бошлади. Шу пайт ёнидан ўтиб кетаётган йигитнинг қўл телефони жиринглаб, "мушкул" осонлашди. "Шайтон суви" ўз кучини кўрсатди ёки ўзида жиноятга мойиллик бормиди, нима бўлганда ҳам унда шум ният пайдо бўлди. У бу ёвуз мақсадини амалга ошириш учун пакетидаги ошхона пичоғини ён чўнтағига жойлаб, "ўлжа" илинжида пойтахт кўчаларини дарбадар кеза бошлади...

Фарғоналик Раҳимжон Мадатов ва Замира Носировалар беш нафар фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб, тарбия қилишди. Болаларининг барчаси ақли-хушли бўлиб вояга етишди. Ота-оналари ана шундай фарзандларни тарбия қилишгани учун кўни-қўшилардан ҳам, ўқитувчилардан ҳам фақат раҳмат эшитишарди.

Юрист бўлишга орзуманд Комилжон уларнинг тўртинчи фарзанди бўлиб, нияти юридик коллежда ўқиб, кейин юридик институтга кириш эди. Оиланинг моддий аҳволи унинг Тошкентда ўқишига имкон бермас-да, ногирон ота ўғлининг дилини ўқитгани келмай унга ишонч билдириб, оқ фотиҳа берди. Комилжон коллежда ўзининг билими ва намунали хулқ-атвори билан ҳаммага ўрнак бўлди...

Шум тақдирни қарангки, осуда ноябрь тунларининг бирида ўртоғиникидан қайтаётган Комилжон Мадатов вужудини ёвуз руҳ эгаллаган Ботир Эргашевага рўбарў келди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган Ботир йигитга пичоқ санчиб, унинг қотилига айланди. Сўнгра марҳумнинг чўнтақларини қовлаб, қўл телефони ва қувватлаш мосламасини олдида, тақсидида Бекобод шаҳрига жўнади. Бу ерда қўрқув ва шубҳалардан холи бўлолмагач, Жиззах вилоятидаги опасиникига йўл олди. Бироқ, "Бузоқнинг югургани сомончога" деганларидек, жиноятчи ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларидан қочиб қутула олмади.

Суд қотилга 18 йиллик қамоқ жазосини тайинлади.

Ноинсоф омборчи

Жамиятимиз инсонларварлик тамойиллари асосида барпо этилмоқда. Қонуларимиз инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари шулар жумласидандир. Серфарзанд, кам таъминланган оилаларга нафақалар тайинланмоқда, уларнинг мактабга ўқитган фарзандларига ҳам ғамхўрлик кўрсатиламоқда. Қишки иссиқ кийимлар олиниб, тарқатиб берилмоқда. Бироқ айрим ноинсофлар болаларга кўрсатилмаётган ушбу мурувватдан ҳам ўз нафсларини қондириш йўлида фойдаланишга уринишган.

"Ўқув таълим таъминот"

давлат унитар корхонасининг Фарғона вилоят филиали иш фаолиятини ўрганиш жараёнида ана шундай масъул, моддий жавобгар шахсларнинг жиноий қилмишлари очиб ташланди. Филиал маъмурияти томонидан йигирма саккиз ёшга кирган, таъминотчи лавозимида ишлаётган Фарҳоджон Мамиталиев билан 2009 йил ёзида қўшимча шартнома тузилиб, қишки кийим-кечаклар омбори мудирилиги ҳам ишониб топширилди. Ёш йигит енг шимариб ишга киришади. Тошкентдан 2009-2010 ўқув йилида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига тарқатиш учун келтирилган салкам 2 млрд. 250 млн. сўмлик 67 876 жуфт қишки кийимларни омборига кириб қўйди. Ушбу кийимлар мактаб ўқувчиларига алоҳида сумка-филофларга солиниб, тарқатилиши лозим эди. Бироқ, айрим мактабларда болаларга кийимлар сумкаларда эмас, целлофан пакетчаларда топширилади. Бунинг боиси...

Фарҳоджон сумка-филофлар-

нинг бозори чаққонлигини биллиб олгач, дилига гўлгула тушади. Сумкаларни улғуржи сотиб олишга тайёр савдогарлар бисёр эди. Бироқ, туман-шаҳар халқ таълими бўлими таъминотчиларини қандай қилиб йўлга солади? Уларнинг орасидаги "зақунчи"лар хашагини очиб ташлашлари мумкин. Яхшии, гапга кўнадиغانларга сумкалар етишмаяпти, кейинроқ келтириб бераман, деб ваъдани қуюқ қилади. Гапга кўнадиغانларга қишки кийимларни сумка-филофи билан бирга бериб юбораверади.

— Мен асосий ишимдан ташқари "Ўқув таълим таъминот" корхонаси вилоят филиалининг тумандаги таъминотчиси вазифасида ҳам ишламан, — дейди ғувоҳ, Фурқат туманидаги 22-умумтаълим мактабининг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари М.Эркинов. — Туманимизга ўқувчиларга тарқатиш учун 1939 комплект кийимлар ажратилган. Бу кийимларни вилоят филиалида омборчи бўлган Фарҳоджон туман Халқ таълими бўлимининг омборига келтириб берган. 64

З.МАМАЖОНОВ,

Фарғона вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

млн. 676 минг сўмлик кийимларни мен ундан қабул қилиб олаётим, сумка-филофлар йўқлиги ҳақида эътироз билдирганимда, ҳозирча етишмаяпти, келтириб бераман, дея ваъда қилган эди. Унинг сўзига ишониб юк хатларига имзо чекканман. Менинг илтимосим, ишонтирганим туфайли тумандаги 35 та мактабларнинг директорлари ва завхозлари кийимларни сумка-филофда олганлари ҳусусидаги юк хатларига имзо чекиб беришаверган. Мен такрор-такрор сумка-филофларни келтириб беришни талаб қилсам-да, Фарҳоджон ваъдадан нарига ўтмади...

Корхонада ўтказилган тафтишда Ф.Мамиталиев қишки кийимлар учун келтирилган филоф-сумкаларнинг салкам 17 млн. сўмлик 34300 донасидан зиёдини шаҳар-туманлардаги таъминотчиларга бермасдан "чап"га пуллаб ўзлаштиргани аниқланди. Ушбу қинғир ишни ёпиш учун учар омборчи сумка-филофлар тўлиқ тарқатилгани ҳақида юк хатларига сохта ёзувлар киритгани фожия эдилди.

Ушбу ҳолат бўйича қўзғатилган жиноят иши терговчи мобайнида айбланувчи давлатга етказган зарарнинг ўрнини қоплади. Суд мажлисида ноинсоф омборчининг айби исботланиб, тегишли жазо тайинланди.

«Сахий» маҳалла раиси

Олатга маҳалла фуқаролар йигини раиси аҳолининг турмуш тарзини яхши биладиган ҳамма уларга ғамхўр, эътиборли кишилар бўлади. Аммо гуруч қурмақиз бўлмагани каби, баъзи маҳалла раислари енг ичида кимларнингдир ҳолатини чиқариб бериб, эвзига ўзлари ҳам фойда қўришаркан...

Бекзод ЖУМБОЕВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Жомбой туман бўлими бошлиғи

Жомбой тумани "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йигини раиси Холбой Муратов 2008 йилдан буён маҳаллани бошқариб келаётганини Нима бўлди-ю, у ўз бурчи ва масъулиятини унутди, тамағирлик йўлини тутди. Тўғрироғи, пора эвзига маҳалладошларига нафақа пуллари чиқариб бера бошлади.

Бу йўлда унга маҳалла котиби Турдимурод Нарзиев ва тумандаги "Гала Ботир Файз" ММТП бош ҳисобчиси Воҳид Файзиевлар яқиндан ёрдам беришди.

Маҳаллада яшовчи К.Ҳамроева 16 ёшгача бўлган 3 нафар фарзандига нафақа олиш учун Холбой Муратовнинг ҳузурига борди. Маҳалла раиси оdatдагидай, турли баҳоналарни рўқач қилган бўлди. Аммо аёлининг "Харажати бераман, нафакани тўғрилаб берсангиз бўлди", деган гапидан сўнг унинг чеҳраси бўриб ёришди.

— Нафақа олиш учун эр-хотиндан бирорта-си давлат ташкилотиде ишга кириш керак. Сиз яхшиси, "Гала Ботир Файз" ММТП бош ҳисобчиси Воҳид Файзиевга учрашинг. Харажати қилсангиз у сизга турмуш ўртоғинингизнинг ММТПда ишлаганлиги ҳақида маълумотнома тайёрлаб беради, — деди.

Ҳақиқатан ҳам "Гала Ботир Файз" ММТП бош ҳисобчиси Воҳид Файзиев К.Ҳамроевага сохта маълумотнома тайёрлаб берди. Маҳалла раиси ҳамда котиби К.Ҳамроеванинг 3 нафар фарзанди учун нафақа пули тайинланди. Шундан сўнг, К.Ҳамроева 2010 йилнинг июнидан ноябригача нафақа пуллари олиб келди.

Ғалвир сўвдан кўтарилгач, маҳалла раисининг сирларни очилиб қолди. Бундан ташқари, Холбой Муратов маҳаллада яшовчи Р.Раҳ-

монованинг 2 нафар фарзандига ҳам худди шу тарзда нафақа пули тайинлаган экан. Унинг илтимосига кўра, Воҳид Файзиев ММТПда ишламаган Р.Раҳмонованинг турмуш ўртоғи Л.Тошбековга ҳам сохта маълумотнома тайёрлаб берган. Натияжада, Р.Раҳмонова 2010 йилнинг июнь ойдан ноябрь ойига қадар фарзандлари учун 256.220 сўм нафақа пули олган.

Маҳалла раиси, маҳалла котиби ва ММТП бош ҳисобчиси худди шу тартибда маҳаллада истикомат қилувчи Х.Шодиева, М.Расулова ва С.Чилмирзаеваларга ҳам вояга етмаган болалари учун ноқонуний равишда нафақа пуллари тайинланишига кўмаклашган.

Ноқонуний иш-келтирар ташвиш, деб бекорга айтишмаган. Сохталик ортидан келган даромад маҳалла раиси ва унинг шерикларига ҳам қимматга тушди. Уларнинг ҳар бири қилмишларига яраша жиноий жавобгарликка тортилди.

Шунга айтсалар керак-да: "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", деб.



/Давоми.

Бошланғичи 2-бетда/

Маънавият оиладан бошланади



Таъқидлаш ўринлики, шахс маънавияти, унинг дунёқарashi, инсоннинг тасаввури ва эътиқодларига дахлдор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила — ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкурвий тарбия омили ва муҳитидир. Миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оила — жамиятнинг ўзағи, деймиз, миллатнинг давомийлигини таъминлайдиган муқаддас даргоҳ, деймиз. Унинг асрлар мобайнида сақланиб келаяётган ўзағи хос аъёнлари орқали Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўникмалари шаклланади. Зеро, ҳар бир шахс оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватаннинг остонадан бошланғичини тушунадан туриб, мукамал инсон саналмайди.

"Хаёт муаллимдир", дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, шундай оилалар борки, бир умр уларга, уларнинг тутумлари, оилавий аъёнлари, фарзанд тарбияси борасидаги қарашларига таяниб, ҳавас-ла интилиб яшайсан. Бундай оилада биз шарқона одобни, ахлоқни, меҳр-муҳаббатни, ҳурмат-эъзозни, оқибатни, ибодатни, бир сўз билан айтганда, юксак маънавиятни кўрамиз.

Халқ ва миллатнинг маънавияти, ахлоқи, эзгу аъёнлари, қўйинги, унинг бор миллий бойликлари бўлган маънавий бисоти ана шундай тарбия топган қалбларда сайқалланиб, бойиб, бошқа қалбларга, улардан авлодларга ўтади.

Истиқлол жуда қўплай наъматлар ҳада этди. Ана шундайлардан эъ муҳими — жамиятнинг асосий неғизи бўлмиш оилага, она ва келажагимиз ағзалари бўлмиш фарзандларимизга ғамхўрлик ҳамда эътибор

кучайтирилди. Чунки моддий жихатдан таъминланган, юксак маънавиятли оилаларда камол топган фарзандлар, шубҳасиз, эртамининг муносиб ворислари бўлиб етишадилар. Шу боис ҳам Президентимизнинг "Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир", дея кўп бор эътироф этишлари бежиз эмас. Ана шу оиланинг жамиятимизга муносиб, намунали бўлишида эса ота-онанинг, яъни эр ва аёлнинг ўз ўрни, вазифаси бор. Ҳўш, бугунги кунда оиланинг устуни бўлмиш эркак, хонадон чироғи аталмиш аёлнинг аввало оиладаги, қолаверса, жамиятдаги мавқеи қандай?

Аёл! Хонадонларимиз фазилати-ю, саражон-саришталиги, ҳаётимиз мазмуни-ю авлодлар давомийлигининг боиси у. Уларга нисбатан мунис, дилбар, малоҳатли каби гўзал ибораларни ишлатиб келганмиз. Давлатни адолат билан

аёлларимизнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётгани ойдек равшан. Афсуски, кейинги пайтларда айрим эркакларимиздан (оила, фарзанди тақдир учун жон куйдирган яшайдан, меҳнат қилаётган эркаклар бундан муастасно, албатта) оиласи тақдирини учун масъули, бурч деган тушунчалар мутлақо беғоналашиб кетди. Икки-уч ёки ундан ортиқ фарзандлари бўла туриб, "керак бўлса боқиб ол", қабилида иш тутаятган, меҳнатга бўйин эгмайдиган ёки хотинининг: "Ишласангиз бўлмайди? Болаларингиз нима еб, нима кияди?" деган галини зугум сифатида қабул қилиб, дарров "уйига киритадиган"ни топиб олаётган калтабин, орийатсиз оталар жамиятимизга факат қора доғ бўлиб тушмоқда.

Оқибатда-чи? Аёллар фарзанди тарбияси, уй юмушларидан узоқлашиб, "кўча одами"га айиланиб қолапти, мардикорликка чиқаяпти, ўзини бозорга уряпти.

Дарҳақиқат, иқтисодий жихатдан мустаҳкам оилага маънавий барқарорлик қўшилсагина мустаҳкам бўлади. Халқимизда "Эр-хотин — қўш Ҳўкиз" деган гап бор. Оила аравасини бадавур тортган ютқазмайди.

— Эрим бешта болани ортирди-ю, "сенларни боқолмайман", деганича ташлаб кетиб юборди, — деганди бир гап

бозордаги сотувчи аёл. — Ишлай десам, кўлимда бирор-бир ҳужжатим йўқ. Лекин беш болам менга умид кўзини тикиб турган... Иложсиз бозорга чиқдим. "Олиб-сотар"лик қиляпман. Ҳарна бир-икки сўм тушиб турибди. Худога шукр, болаларимни қорнини тўқ, устини бут қилиб ўстиряпман...

Аёлга бошдан-оёқ разм содланган: ҳали ёш бўлишига қарамай, аёзнинг соғуғи, саратоннинг иссиғи демай кўча кезган жувон юзларига аллақачон ажин соя солиб улгурган. Қўлларни қорайиб, ёрилиб кетган... Ахир кун бўйи бозорда ёки овлоқ кўчаларда харидор кутиб ўтириш, алқомат йигитларнинг-да белини дол қилишга қодир иш-замбил юкларни бир ўзи орқалаш осон бўлганим?

Шу ўринда айрим аёлларимизнинг эри, буювчисиси бўла туриб, бориға шукр қилмай бозорга чиқиб кетаётганига ҳам бироз эътирозим бор. Майли, унинг бозорга чиқishi ўша оила иқтисодини бир мунча, балки тўла-тўқис барқарорлаштиради, дейлик. Лекин бу ерда яна бир муҳим — оила маънавияти деган масала бор. Чунки маънавиятсиз одам қолмади эриша олмади. Шу билан бирга, ана шу аёл руҳиятида ҳам эркакшодалик пайдо бўлади.

Тасаввур қилинг: она кун бўйи бозорда, оиладаги фарзандлар на ота, на она назоратида. Гарчи она аэзонлаб бозорга кетаётиб катта фарзандига қатор топшириқлар берган бўлса ҳам, бола бола-да, хоҳланган ишини қилади. Шу боис, ногаҳон мактаб директори ёки

ушастка инспектори қақириб қолса, ажабланмаса ҳам бўлади.

Эътибор берсангиз, аксарият бозорчи эр-хотинларнинг фарзандлари калондимоғ, маънавияти қашшоқ, ўқишга қизиқмайдиган, ҳар гапида "пул билан гаплашадиган", уришқоқ бўлиб етишадилар. Ахир на ота, на она меҳрини туймаган болада самимий, муқаддас туйғулур қаёқдан ҳам пайдо бўлсин?!

Қўпична, ҳали банкка, ҳали иш юритиш илинчида кун бўйи чопиб юрган аёлларни кўриб, уларнинг тадбиркорлиғига, ғайратига ҳавасингиз келади. Баъзан ачиниб ҳам кетасиз. Негаки, айнан ўша пайтда уларнинг эрлари кабобхона, биллиардхонада улфатлар даврасида бўлиладилар...

Юқорида оила юкни зиммасига олиб, бозорга чиққан аёллар, уларнинг фарзандлари тақдир тўғрисида сўз юритди, холос. Айтмоқчи бўлганимиз, оилаларимизда муҳит соғлом бўлсин. Ана шунда жамият-тимизда ҳам соғлом муҳит қарор топади. Оила фаровонлаша — миллий фаровонлигимиз юксалади. Шундай экан, аёлда, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан оиласи, ўғил-қизига муҳаббат туйғуси, аёллик лаптоғати уфуриб турса, қандай яшай! Бунда, шубҳасиз, оила бошлигининг ўрни беқеъс.

Агар оилада эркак ўз бурчи ва мавқеини билиб ҳаракат қилса, аёл тирикчилик тавишида эмас, уй юмушларидан ортиб, кўпроқ фарзанди тарбияси билан шугулланса, ўзи учун яшаса, шубҳасиз, бундай оилаларда яқши, маънан етуқ инсонлар камолга етади.

Ўтган шабба кунини уйга қайтаётган эдим. Йўлнинг нариги тарафидаги бекатта автобус келиб тўхтади ва ундан ёши тахминан 18-20 лардаги бир қиз тушди.

"Хушрўйгина экан", хаёлимдан шу фикр ўтар-ўтмас, қиз тўсатдан "вой", деди-ю, нўчиб ортига тисарилди. Нарироқда турган уч нафар ўспириндан бири қизга майда тошчалар отар, шериклари эса бир-бирининг елкасига урганча, қотиб-қотиб қулишарди. Чидай олмай, уларга дашном берган бўлдим:

— Ҳой ука, қиз болага тош отишга уялмасизми?

— Сизга нима? Истасам тош отаман, истасам...

У яна аланамалар дея масҳара қилган, ҳаммалари кулганча интернет-кафега кириб кетишди.

Уларнинг ортидан қараб қолар эканман, ичимдан бир овоз келди: "Бу нима деган гап?! Бунақа қилиқлар йигит кишига ярашадими?"

Сабрим чидмай ўша атрофдаги милиция таянч пунктига кирдим-да, ходимларга бўлган воқеани айтиб бердим. Милиция подполковниги Баҳодир Абдусаломов билан лейтенант Алишер Асқадов мени эшитишган, йигитлар кириб кетган интернет-кафе томон йўл олишди. Йигитчалар компьютер уйнаб ўтиришган экан. Милиция ходимлари

Эътиборли бўлайлик

уларни таянч пунктига тақлиф қилишди. Йигитлардан бири:

— Биз ўша қиз билан танишмоқчи бўлиб, тошча отган эдик, холос. Она бўлса, "Қиз болага тош отишга уялмай-сизларми?" деб бизни уришиб берди. Нима, танишиш айбми? — деб ўзини оқламоқчи бўлди

— Ие, қиз бола билан тош отиб танишадими? — ҳайронлигимни аширмадим. Ушастка нозирлари йигитлардан маъмурий жавобгарлик тартибида тушунтириш хатлари ёздириб олиб, огоҳлантириш берди.

Йигитлар қизиқиб кетишган, милиция ходимларидан бири бўлган воқеа хақида ўз фикрини билдирди:

— Синглим, бизга мурожаат қилиб, тўғри қилгансиз. Афсуски, бугун аксарият юртдошларимиз лоқайд бўлиб кетишган. Бу эса, баъзан айрим жиноятларнинг очилмай қолишига ҳам олиб келаяпти. Айримлар "туя кўрдингми йўқ ёки билмадим деб қутулдим...", қабилида иш қуришади. Масалан, ўтган кунини автобус бекатида бир кишининг мазаси қочиб, йиқилиб тушибди. Боқши шу аллозда икки соатча ёттибди. Йигитлишдан қайтаётганимда, кўзим тушиб

Гули ҲОЖИБОЕВА,
"Нуқуқ"

қолди. Тез ёрдам қақиртириб, зарур тиббий ёрдам кўрсатмоқчи бўлдик. Афсус, 15-20 дақиқа олдин жони узилиб бўлган экан. Агар ўша одамга ўз вақтида эътибор берилганда, унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин эди-ку!

Сўхбатимизга "Навбахор" маҳалласининг раиси Бахтиёр Мухаммедонов қўшилди.

— Қизим, яқши иш қилибсиз. Ўша йигитларнинг ҳам она ё синглиси бордир. Тавба, тош отиб ҳам қиз бола билан танишадими? Уларнинг қилмиши на ўзбекиликка, на одамгарчиликка хос. Худо кўрсатмасин, отилган тош қизнинг кўзига тегса нима бўларди? Тан олиш керак, ҳар бир маҳаллада тарбияси оғир болалар учраб туради. Уларни тўғри йўлга солиш учун маҳалла-қўй, маҳалла нозирлари ва ўқитувчилардан ташқари, аввало, ота-оналар биринчи галда масъул ҳисобланадилар. "Қўш уясинда кўрганини қилади", дейилган нақлни ҳамма яқши билади. Шундан келиб чиқадиган бўлса, фарзандларимизнинг

тарбиясига эътиборли бўлишга биз масъулмиз. Қолаверса, уларнинг ҳар бир қилиғи учун ота-она жавобгардир. Улар бунини ёдда тутмоғи шарт...

Ҳа, эътиборли бўлиш — сихат-саломатлик бобидаги бошланғич касалликларнинг олдини олиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, турли кўнгилсиз воқеа ва ходисаларни бартараф этиш, энг асосий эса, бизни огоҳликка ва одамгарчиликка ундайди.

Ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилган эътибор таҳсинга сазовордир. Бироқ, бу иш билан боғлиқ бўлганлар — ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла ҳамда ўқитувчиларнинг иштироки фалоллашганина, самараси салмоқли ва ижобий бўлади. Шундай экан, фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмайлик, келажақ пойдеворини мустаҳкам қилайлик.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларнинг ижтимоий кўлаб-қувватлаш жамоатчилиқ Маркази ҳамда СВОЖЖДҚК Департаменти жамоаси прокуратура Фахрийси Равайнбоқ Халқияновага ораси

Номбон ВАЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusufboy GO'POV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqzir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma №4. 48 129 nusxada bosildi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA

Musahhihi: M.O'AMBAROV

Navbatchi: O' DEHO'NOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 18.00.

Topshirildi: 17.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «Kolorpak» MCHJ bosmaxonasida ofset usulida chop etildi.
Korxonamanzili: Toshkent shahar, Yangi shahar ko'chasi, 1a.

ISSN 2010-7437

